

АРАБ ТИЛИДАГИ ФЕЪЛИЙ ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИНГ
ГРАММАТИК ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ СИНТАКТИК
ТАСНИФЛАНИШИ

НТМ “ЗИЁ – ЗУККО”
умумтаълим мактаби араб тили фани ўқитувчиси
Мухамедханова Ирода Ходжимурадовна
Илмий раҳбар: Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Араб тили ва адабиёти аль-Азҳар кафедраси
профессори в.б. З.Арипова

Аннотация: Уибу мақолада араб тилидаги феълий фразеологик бирликларниң грамматик хусусиятлари таҳлил қилинади ва улар таркибида феъл компонентига эга бўлган фразеологик бирликлар групхини тўплаши, тизимлаштириши, таснифлаши, қиёслаши муаммолари хақида сўз боради.

Калим сўзлар: фразеологизм, грамматика, феълий фразеологизм, кесим, араб тили.

Аннотация: В данной статье анализируются грамматические особенности глагольных фразеологизмов арабского языка и рассматриваются проблемы сбора, систематизации, классификации и сравнения группы фразеологизмов с глагольным компонентом.

Ключевые слова: фразеология, грамматика, глагольная фразеология, причастие, арабский язык.

Annotation: This article analyzes the grammatical features of verb phraseological units in the Arabic language and discusses the problems of collecting, systematizing, classifying, and comparing a group of phraseological units with a verb component.

Key words: phraseology, grammar, verb phraseology, participle, Arabic language.

Жаҳон тилларидан бири деб эътироф этилган араб тилини ўрганишга бўлган қизиқиш тобора кучайиб бормоқда. Бу тил ҳам бошқа хорижий тиллари каби фразеологик бирикмаларга бой тил ҳисобланади. Уни ёритиш ва ўзбек тилига таржима қилишдаги муаммоларни ўрганиш долзарблик касб этади.

Фразеология тилшуносликнинг фразеологик бирликларини ўрганувчи соҳасидир. Маъноси, одатда, бир сўзга тенг келадиган сўзлар қўшилмаси фразеология, яъни ибора дейилади. Икки ёки ундан ортиқ сўздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодалайдиган тил бирлиги фразеологик бирлик ёки фразеологизм дейилади¹.

Маълумки, фразеологик бирликлар яхлит маънога эга бўлган барқарор иборалардир. Экспрессивлик ва маъно бирлиги тасвири каби хусусиятлари туфайли нутқимиз янада ёрқинроқ, ҳиссий, ифодали ва образли бўлади. Шунинг

¹ X. Умарова, «Қизиқарли грамматика»

учун ҳам деярли барча машҳур ёзувчилар ўз асарларининг ранг-баранглиги ва стилистик бойлигини яратиш учун фразеологик бирликлардан фойдаланганлар. Бунга мисол тариқасида Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидаги қуидаги байтларни келтириш мумкин:

*“Кўзида сув ва лекин кўнглида ўт,
Бўлиб ҳар сори боқмоқдин кўзи тўрт”.*

Бунда “кўзи тўрт” ибораси кутиш маъносини ифодаланган. Аслида кўз иккита бўлади, бу мажозий томондан қўлланилган

Ўткир Ҳошимовнинг “Баҳор қайтмайди” қиссасида ҳам “дамини ростлади” ибораси ўзга маънода, яъни бироз дам олди маъносида келган:

“Ниҳоят, секин-секин дамини ростлади, ҳовлига тикилганча бир текис, чуқур – чуқур нафас ола бошлиди”.

Рус ёзувчиси А.С.Грибоедовнинг “Горе от ума” асарида “Бахтилар соатга қарамайдилар” деган ибора берилган.

Фразеологиянинг пайдо бўлиши ва ривожланиши бўйича тадқиқотлар В.Виноградов, А.Ларин, А.Кунин каби таниқли рус олимлари томонидан амалга оширилди ва фразеология турли жиҳатлари - грамматик, морфологик, стилистик, тарихий, семантик томонларига эътибор қаратилди². Бу каби олимларнинг тадқиқотлари бўлишига қарамай, дунё тилларида фразеология ягона тизим сифатида етарлича ўрганилмаган, деб таъкидлаш мумкин.

Сўз ҳам, фразеологизм ҳам луғавий бирлик ҳисобланади ва улар ўртасидаги тафовутни ажратса билиш муҳимдир. Эркин ибораларда бир сўзни бошқасига алмаштириш мумкин. Бироқ фразеологик бирикма доимий лексик таркибга эга бўлгани сабабли, ундаги ибораларни исталган бошқа сўзлар билан алмаштириш мумкин эмас.

Фразеологик бирликлар эркин бирикмалардан маъно яхлитлигига фарқ қиласи, яъни фразеологик бирликдаги сўзлар алоҳида маънога эга эмас, балки фақат бутун бир ифодани ташкил этиб, ўз семантик мустақиллигини йўқотади. Бу шуни англатадики, фразеологик бирликлар нутқда тайёр ҳолда ишлатилади, яъни уларни тилда ўрнатилган шаклд, белгиланган маъно бўйича эслаб қолиш керак. Худди лексикада бўлгани каби фразеологизмлар ҳам шакл ва маъно муносабатига кўра омонимия, синонимия, антонимия каби типларга бўлинади :

Синонимик фразеологизмлар (маънодош иборалар):

-Юзма-юз = Очиқчасига;

-Хафсаласи пир бўлди = Қовуни қўлтигидан тушибди.

Антонимик фразеологизмлар(қарама - қарши маъно ифодаловчи иборалар):

-Бахти қулди = Холига маймунлар йиглади.

Омоним фразеологизмлар (маъно жиҳатдан бошқа , бироқ шаклдош ибора):

-Бурнидан ип ўтказди = Бурнини бировни ишига сукди = Бурни кўтарилиди;

-Кўзга суртди = Кўз-кўз қилди = Кўз тегди = Кўз қорашибидек асради.

Инсоният жамияти ривожланишининг ҳозирги босқичида тилни такомиллаштириш муаммоларига тобора кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

² В.Виноградов, - Избранные труды. Лексикология и лексикография. – М., 1977.-С. 140-161

Араб тили узоқ давр мобайнида ривожланган тизим бўлиб, хозирги кунда БМТнинг олтига тилларидан бири ҳисобланади. Замонавий араб адабий тили семит тилларининг энг кенг тарқалганидир. Типологик жиҳатдан араб адабий тили кўпроқ рус тилига яқин, яъни флексив тилдир. Араб тили фонетик, морфологик, лексик, грамматик ва бошқа соҳаларда маълум бир барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу ҳолат замонавий ва ўрта аср манбаларини тўлиқ ва аник ўрганиш ва тушуниш имконини беради. Бироқ фразеология соҳаси, уни таснифлаш учун кўплаб уринишлар қилинганига қарамай, кам ўрганилган соҳа бўлиб қолмоқда.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги, биринчи навбатда, халқаро муносабатларнинг жадал кенгайиши, таржима фаолиятини, шунингдек, мамлакатимизда чет тилларини ўқитиш сифатини ошириш зарурати билан изоҳланади. Шу билан бирга қуйидаги омиллар билан белгиланади: 1) ўзбек ва араб тилларининг феълларини қиёсий ўрганиш бўйича тадқиқот материалларининг етишмаслиги; 2) араб фразеологик бирликларининг маъносини ўзбек тилига етказиб берувчи луғатларнинг етишмаслиги; 3) ўзбек ва араб тилларининг фразеологик тизимларини қиёсий маънода етарли даражада ўрганилмаганлиги сабабли уларни таржима қилиш методологиясига оид назарий манбаларнинг камлиги илмий мақола мавзусини танлашга асос бўлди.

Ушбу мавзу араб тилининг феълий фразеологик бирликлари араб тилшунослигига кам ўрганилган соҳалар қаторига кириб, фразеология фақат стилистика, риторика ва бошқа фанларнинг ёрдамчи бўлими сифатида кўриб чиқилган. Замонавий арабшуносликда феълий фразеологик бирликларни ўрганиш ва шу асосда луғатлар, қўлланмалар ва бошқа лексикографик нашрларни ишлаб чиқиши араб тилшунослиги такомиллашувида аҳамиятли бўлиши шубхасиз.

Бу соҳадаги илмий тадқиқотлар учун бирламчи манбалар маълумотлари (исломгача бўлган шеърият асарлари, Куръон, классик ва замонавий араб адабий тили материаллари ва жонли маҳаллий ва бошқа ёзма манбалар), шунингдек, арабшунослик соҳасидаги замонавий тадқиқотлар етарли материал сифатида хизмат қилиши мумкин. Ушбу вазифани ҳал қилиш учун умумий тилшуносликда олдин ишлаб чиқилган бундай тадқиқотлар методологиясидан, яъни қиёсий – тарихий, тавсифловчи, қиёсий- функционал ва типологик тадқиқот усулларидан фойдаланиш керак.

Араб тилида феълий фразеологик иборалар энг бой ва самарали ҳисобланади. Буларнинг асосий компонентлари араб фразеологиясининг кўп қисмини ташкил этувчи феъллардир. Араб тилини ўзлаштиришда уларни ўрганиш фойдалидир.

Юқоридаги тадқиқотларда таъкидланганидек, фразеологик бирикма жумлада у ёки бу гап бўлаги сифатида синтактик жиҳатдан ажralmas ҳаракат қиласи.

Араб тилида эса фразеологик бирикмалар иккига бўлинади ва қуйидагича таҳлил қилинади :

1.Феълий фразеологизмлар: (кесим+воситасиз тўлдирувчи, 3 шахс, бирлик, музаккар жинс)

بیض وجهه – транскрипция : баййада важҳаҳу (*сўзма-сўз* : «юзини оқартирди») маъноси ишончни оқлаши ;

اکل لحمه – транскрипция : акала лаҳмаҳу (*сўзма-сўз* «гӯштини еди») маъноси – гийбат ва тухмат қилиши;

2.Исмий фразеологизмлар: (1.аниқловчи , 2.олд кўмакчи + изофа бирлиги, яъни мослашмаган аниқловчи) ёки (олд кўмакчи + ўрин ҳоли + қаратқич аниқловчи, 3 шахс, бирлик, музаккар жинс)

شجاع کا لسد – : шужаъун кал асади – (*сўзма-сўз* “шердек жасур”) маъноси – довюрак;

على ظهر القاب – транскрипция : ъалаз зоҳрил қолби, (*сўзма-сўз* «қалбнинг белида») маъноси – ёдаки, ёддан ва хоказолар.

Тадқиқот натижасида араб ва ўзбек тилларидағи фразеологизмлар орасида айнан мос келувчи эквивалентлари ҳам мавжудлиги аниқланди :

Арабча	Транскрипция	Ўзбекча
شجاع کا لسد	шужаъун кал асади	Шер каби довюрак (довюрак, жасур)
بقب صاف	Биқолбин софин	Чин кўнгилдан (самимий)
الل ي في قلبه على لسانه	Аллази фил қолбихи ъала лисанихи	Тили ва дили бир (очиккўнгил)
وقف شعر راسه	Вақофа шаърун роъсиҳи	Тепа сочи тикка бўлди (қўрқоқ)
يخاف من خياله	Яхофу мин хаялиҳи	Ўз соясидан ҳам қўрқади (қўрқоқ)
انعقد لسانه	Инъақада лисанаҳу	Тилни ютиб юбормоқ (индамас)

Арабча	Ўхшашлик даражаси	Ўзбекча
ابتسم له الحظ	эквивалент	Баҳт унга кулиб боқди
ابتلع لسانه	эквивалент	Тилини ютиб юборди
ابقى باب الحوار مفتوحا	муқобил	Эшикни очик қолдирмоқ
ثبت وجوده	муқобил	Оёққа турди
اثْلَجُ الصَّدْرَ	эквивалент	Кўнгилни илитмоқ
اجح المشكلة	эквивалент	Муаммони алангалатмоқ

اسم على مسمى	эквивалент	Исми жисмига мос
وجهها لوجه	эквивалент	Юзма-юз
اجتاز عتمات الظلام	эквивалент	Зулматдан чиқмоқ

Демак, бошқа халқларнинг фразеологик бирликларини ўрганиш маълум даражада, у халқ дунёкараши, аҳлоқий устуворликларини тушуниш имконини беради. Бу эса цивилизациялар ўртасида мулоқотлар енгиллашиши, турли этник маданият вакилларининг ўзаро яқинлашишига ҳисса қўшиши мумкин.

Феълий фразеологик бирликларни қуриш учун жуда кўп моделлар мавжуд. Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, араб тилининг феъл фразеологиясини ўрганишдаги истиқболли режалар, унинг таснифи, қурилиш моделлари, шунингдек, араб фразеологиясини ўрганиш, тизимлаштириш ва қиёслаш билан боғлиқ муаммоларнинг долзарблиги аниқланди. Араб фразеологик бирликларини ўрганиш методик жиҳатдан филолог-талабаларига араб тилини ўқитиш амалиётига киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

- 1.Рахматуллаев Ш., Ҳозирги замон ўзбек тилидаги образли феъл фразеологик бирликларнинг асосий грамматик хусусиятлари, Т.,1952
- 2.Рахматуллаев Ш., Ҳозирги узбек адабий тили, Т.,1992
- 3.Нурмонов А., Ўзбек тилшунослиги тарихи, Т., 2002
- 4.Бекиров Р. А., Глагольные фразеологические сращения современного арабского языка, 2016
- 5.Закиров Р.Р., Способы передачи фразеологии Корана в переводах на русский язык, Хрестоматия, 2020
- 6.Умарова Х., Қизиқарли грамматика, Т., 2002
- 7.Рахматуллаев Ш., Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати, Т.,1978
- 8.Баранов Х.К., Арабско-русский словарь, М., 1989